

9-10-2019

IBRAT'S EXEMPLARY WAY OF LIFE

Maksuda Urihbayevna Saribayeva
PhD in Gulistan State University

Khushruiy Shavkatovna Mamadjanova
Senior teacher in Kokand State Pedagogical of Mukimi names

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Saribayeva, Maksuda Urihbayevna and Mamadjanova, Khushruiy Shavkatovna (2019) "IBRAT'S EXEMPLARY WAY OF LIFE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 8 , Article 63. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss8/63>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

IBRAT'S EXEMPLARY WAY OF LIFE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ИБРАТНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

¹Сарибоева Махсуда Уринбаевна

¹Гулистон давлат университетипедагогика фанлари номзоди, доцент,²Мамажоновна
Хушрўй Шавкатовна

катта ўқитувчи, ²Муқимий номли Қўқон давлат педагогика институти

Аннотация : Мақолада маърифатпарвар, фидойи шоир ватандошимиз Исроқхон Тўра Ибрatнинг ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар янги манбалар асосида ёритиб борилган. Унинг айрим асарларининг таълим-тарбиявий жиҳатлари таҳлилий ифодаланган.

Калит сўзлар: тараққийпарвар, маърифатпарвар, қўлёзма, илмий меърос Ибрat мактаби, шажара, жадид, усули савтия, удум, маросим, миллий уйғониш даври, фаолият .

ЖИЗНЕННЫЙ ПУТЬ ИБРАТА

¹Сарибаева Максуда Уринбаевна

¹Гулистанский Государственный университет кандидат педагогических наук, доцент
²Мамаджанова Хушрўй Шавкатовна

²Кокандский государственный институт имени Муқими, старший преподаватель

Аннотация : На основе новых источников в этой статье освещены сведения о жизни и деятельности просветителя, поэта-патриота нашего соотечественника Исроқхона Тура Ибрата. Приведён анализ образовательных и воспитательных аспектов некоторых его произведений.

Ключевые слова: прогрессивный, просветитель, рукопись, научное наследие, школа Ибрата, генеология, (родословная), метод “савтия”, обычай, обред, эпоха национального возрождения, деятельность .

IBRAT'S EXEMPLARY WAY OF LIFE

Saribayeva Maksuda Urihbayevna

PhD in Gulistan State University

Mamadjanova Khushruy Shavkatovna

Senior teacher in Kokand State Pedagogical of Mukimi names

Abstract: This article describes the life and work of our countryman, enlightener, poet-patriot Ishoqkhon Tura Ibrat on the basis of new sources. The is analysis of educational and upbringing aspects of some his works.

Keywords: progressive, enlightener, manuscript, scientifically heritage, Ibrat's school genealogy, "Savtiya" methocl's, custom, ceremony, epoch nationality reascent, activity .

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш, ўрганиш, улардан халқни баҳраманд қилиш муҳим вазифа бўлиб қолди.

Бу борада наманганлик шоир Исроқхон Ибрat ижодини ўрганиш, қўлёзма асарларини нашрга тайёрлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Исроқхон Ибрat тараққийпарвар зиёли, маърифатпарвар шоир, хаттот,

жонкуяр муаллим, сайёҳ, тилшунос ва тарихшунос олим, ўзбек матбаачилигининг асосчиси, ношир, публицист, бир сўз билан айтганда, серқирра фаолият эгасидир.

Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев “Наманган қадимдан кўп-кўп истеъдод эгаларининг парвозига қанот берган илоҳий бир макондир. Бу кўхна юртда туғилиб ижод қилган Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодим Намангоний, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва маърифатпарварларнинг номларини халқимиз ҳурмат билан тилга олади” [1, 73 б.],- дея эътироф этади. Шу билан бирга Президентимиз 2017 йил 7-8 июль кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида ўзбек маърифатпарвари Исҳоқхон Тўра Ибратнинг илмий-ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш масаласини таклиф қилди.

Президент ташаббуси ва таклифи билан барча олий таълим муассасаларида Ибратнинг илмий-ижодий мероси талаба-ёшлар ўртасида тарғиб қилинди ва у ҳақида билимларини бойитиш юзасидан барча факультет талабаларига махсус курс сифатида ўтилди. Ибрат ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятини ўрганиш орқали ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, илм-фан ва касб-ҳунар эгаллашга ғайрат, санъатга, адабиётга ошнолик ҳиссини уйғотиш мумкин.

Дастлаб, Юртбошимиз Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувида, ўзбек халқининг ифтихори, Ватан истиқлоли учун жонини фидо қилган улуғ бобомиз Исҳоқхон тўра Ибрат ҳақидаги фикрлари ва шоир номини абадийлаштириш, яъни Тўрақўрғонда Республикамиз аҳолиси учун сеvimли бир зиёратгоҳ, замонавий боғ яратиш; ёдгорлик мажмуаси, ёшларимиз учун эса “Ибрат мактаби” тил ўрганиш марказини қуриш ҳақидаги таклиф ва тавсияларини бердилар.

Ҳозирги кунда Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманида тил ўрганиш маркази фаолият олиб бормоқда. “Юртдошини улуғлашни Юртбошидан ўргансак арзийди”, - деб баралла айта оламиз [3, 9 б.]. “Тил марказида “Лирик лаҳзалар клуби”, “Ёш ўлкашунослар” клуби, “Бадий таржима”, “Лингофон”, “Хаттотлик санъати” хоналари, Араб тили амалиёт хонаси, Нотиқлик санъати ва сахна маҳорати, Немис тили амалиёт, Инглиз тили амалиёт, Француз тили амалиёт, Корейс тили амалиёт ва Рус тили амалиёт хоналари мавжуд.

Ибратнинг отаси Туркистонлик машҳур мутасаввуф Хожа Аҳмад Яссавий авлодидан бўлиб, боғбон бўлган. ибрат яссавий авлодига мансублигини қуйидаги шеърий мисралардан билиб оламиз.

***ИБРАТ ТАХАЛЛУСИМДУР, АҲФОДИ ҲАЗРАТИ СУЛТОН,
ШУҲРАТДА - ХОЖИ ТЎРА, МАЪВОСИ - ТЎРАҚЎРҒОН [4, 61 Б.].***

Адабиётшунос олимлар У. Долимов, Н. Жабборовларнинг маълумотларига кўра, Ибрат ўз аждодлари шажарасини ёзиб қолдирган.

Исҳоқхон Тўра шажарасининг узунлиги бир ярим метр, эни 30-35 смли махсус қоғозга битилган бўлиб, юқори қисми жимжимадор нақшлар билан безатилган. Шажаранинг тўрт тарафига чизиқ тортилиб, тилла суви юргизилган. Тўртбурчак ҳошиянинг ичига Исҳоқхон Тўра авлодлари шажараси битилган экан.

Ибрат дастлабки сабоқни онаси Ҳурибибидан олган эди. Ибратнинг онаси Ҳурибиби замонасининг ўқимишли аёлларидан бўлиб, қишлоқ қизларини ўқиш ва ёзишга, хуснихатга ўргатган, шу билан бирга шеърлар ёзган.

Ибрат Муқимий, Фурқат ва Завқийлар билан дўстлашиб, улар билан адабий кечаларда иштирок этади. Шоир араб, форс тилларини мукаммал ўрганади. Тарих, тилшунослик фанлари билан шуғулланади. У тўрт тилни: араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганади. Шарқ тиллари билан бир қаторда Ғарб тилларини ҳам билиш зарурлиги ҳақидаги маълумотлар Ибрат ҳақидаги тадқиқотларда батафсил ёритилган.

Исҳоқхон Ибрат жаҳид педагоглари билан бир қаторда мактаб очиб, ўқитувчилик қилган, дарслик, ўқув қўлланмалар тузган. Лекин Ибрат очган мактаб генерал-губернаторлик амалдорлари томонидан ёптириб қўйилади.

Жаҳид педагоглари, жумладан, Ибрат ҳам ёшлар тарбияси масаласига жуда катта эътибор қаратади. У «Туркистон вилояти газети», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газеталарига фан, маърифат ва маданият ҳақида мақолалар ёзади. Ўз қишлоғида «Матбааи Исҳоқия» номли литография ташкил қилади. Кўп йиллар давомида Тўрақўрғон тумани халқ қозиси лавозимида ишлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов жаҳид педагоглари ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати намояндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқишдими? Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Албатта йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Била туриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки виждонлари, иймонлари шунга даъват этган” [2].

Жаҳид педагоглари анъанавий ўқитиш усулларини ислоҳ қилишга ҳаракат қиладилар, ўқитишнинг янги усулларини ишлаб чиқиб, шу усуллар асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратганлар.

Мунавварқори Тошкентда очган усули савтия мактабларида ўзи тузган ўқув дастурлари асосида жамоат олдида очиқ имтиҳонлар ташкил қилган. Мунавварқори имтиҳонларга ўқувчиларнинг ота-оналаридан тортиб, шариат-дин пешволаригача, ҳатто ўлкада катта эътибор қозонган олиму шоирларни, маърифатли бойларни ҳам тақлиф қилган. Мана, унинг Наманганга - Исҳоқхон тўра Ибратга йўллаган «Даъватнома»си: «Ҳурматлу Исҳоқхонхожи жанобларина! 1907 йил май ойиндан эътиборан Тошкентда Тарновбоши маҳалласинда «Хония» мактабинда талабаларни йиллик имтиҳони бошланур. Сиз ҳурматлудан рижо қилурмизки, тавобингизда бўлгон усули жаҳидия мактаблари мудирлари ила имтиҳон мажлисларина ташриф қилсангиз, муаллим ва шогирдлар Сиздан мамнун бўлур эдилар. Муҳибингиз Мунаввар Қори, 15 март 1907 йил».

Бундай имтиҳонлар «Усули жаҳид» мактабларининг ўлка бўйлаб кенг тарқалишига олиб келди. 1903 йилда Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий, Сиддиқий Ажзий, Абдуқодир Шақурий, Наманганда Исҳоқхон Ибрат, Сўфизода, Қўқонда Абдулваҳоб Ибодий, Аширали зоҳирий, Ҳамза, Бухорода Абдулвоҳид

Мунзим, Садриддин Айний, Хоразмда Кушаевлар бошчилигида усули жаид мактаблари тармоқлари кенгайиб борди.

Исҳоқхон Ибрат чет элларда халқ ҳаёти, уларнинг маданияти, санъати билан яқиндан танишади. У Туркия, Эрон, Миср ва Арабистонга боради. Онаси Ҳурибиби билан ҳаж ибодатини бажаради. Бироқ онаси Жидда шаҳрида бетоб бўлиб, оламдан ўтади. Исҳоқхон Ибрат онаси вафотига қуйидаги марсияни ёзади.

*Айтиб эрди волидам: «Бошимни тутгил ушбу дам,
Мен кетарман, эй болам, ҳушёр бўл жоним бўтам,
Бошини тиззанга ол, тушди сенга юз минг ситам»,
— Деб туруб жон берди, тез адо гариб бўлган онам,
Мунисим, гурбат аро бўлган гарибим волидам.*

*«Таърихни сен қилурсан менга Исҳоқхон», — деди,
«Таърихий ашъорларга бу дилинг кўп кон», — деди,
Сўрдим ул кўнглини бирён бўлмасун деб жон деди,
«Дин исқод айлагил, бўлсун: «Ҳури гилмон, деди»*

Мунисим, меҳнат аро бўлган гарибим волидам [7, 118-119 б].

1907 йилда Исҳоқхон Ибрат Тошкента келади. Мулла Ҳусанхўжа мактаби, унинг фаолияти билан яқиндан танишади. Ўқитиш методлари мавжуд бўлса-да, (Саидрасул Саидазизовнинг «Устои аввал», Мунавварқорининг «Адиби аввал» алифбо дарсликлари) Мулла Ҳусанхўжа болаларнинг ёшига мос келмайдиган китобларни ўқитаётганидан жуда хафа бўлади. Ўқитиш усули яроқсиз бўлган бундай мактаблар аҳолига Ибрат кескин қарши чиқди. Миллат болаларининг чаласавод бўлиб чиқишлари Ибратни изтиробга солади. Шунинг учун у газетага мақола ёзиб, бундай мактаблар ўрнида янги, замонавий билимлар ўқитиладиган мактаблар ташкил қилиш лозимлиги, янги таълим-тарбия тизимининг ўзига хос афзалликларини исботлашда кўпроқ ўзининг мактабдорлик фаолиятида эришган ютуқларига таяниб фикр билдиради.

У таълим-тарбия соҳасида зиёли педагоглар ишлашгани хоҳлаган. Бунга ўзи ҳам амал қилиб, илғор педагогика ютуқларига суянади. У рус тилини ўқитиш учун рус тили ўқитувчилари (татар маорифчиси Абдулрауф Шаҳидий ва Ҳусайн Мақаев)ни ёки рус тилини мукамал биладиган кишиларни ўқитувчи қилиб тайинлашни мақсадга мувофиқ деб билади.

Ибрат мақолаларининг яна бирида миллатни жаҳолатга судраётган иллатларни, яъни илмсизликни қаттиқ қоралайди. Беилм, бефикр, бепарволик ва маданиятсизлик кишиларни, мамлакатни ҳалокатга олиб келишини изоҳлайди. Беҳуда сарф-ҳаражатлар, исрофгарчилик таълим-тарбиянинг, илмнинг йўқлигидан пайдо бўлаётганини тушунтиради. Илмсиз киши асоссиз девор эканлиги, асоссиз девор ғоятда беътибор эканини таъкидлайди.

Маърифатпарвар педагог Исҳоқхон Ибрат газета нашр қилишга муваффақ бўла олмади, аммо ўз уйида анча бой кутубхона ташкил қилди ва уни «Кутубхонаи Исҳоқия» деб атади. Кутубхонада турк, татар, ўзбек тилларида адабиёт китоблари мавжуд бўлган. Китоблардан қишлоқ аҳолиси унумли фойдаланган. Ҳатто, мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаган.

Китобхонлик – ижодий меҳнатдир [9, 25 б]. Ибрат асарларида инсон китоб мутолааси туфайли дунёқараши ўсиши, маънавий жиҳатдан юксалиши алоҳида таъкидланган. Ёшларнинг китоб ўқишларини Исҳоқхоннинг ўзи назорат қилиб борган.

Адабиётшунос олим Улугбек Долимов маълумотига кўра, ЎзФАШИ Қўлёзмалар фондида сақланувчи Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг Наманган нусхаси деб ном олган нодир қўлёзмаси “Қутубхонаи Исҳоқия”га мансуб бўлган. “Қутубхонаи Исҳоқия”даги китоблар сонини ортиб боришида “Матбааи Исҳоқия”нинг ўрни катта эди. Бу матбаада чоп этилган китобларнинг деярли ҳаммасидан бир неча нусха “Қутубхонаи Исҳоқия”га топширилар эди. Қутубхонада ўша даврда чоп этиладиган турли газета ва журналлар ҳам бўлган. Афсуски, бу қутубхонадаги кўплаб нодир китоблар 1918-1920 йиллар ҳамда 1937 йилдаги қатағон даврида йўқ қилинган.

Олимнинг “Луғати ситта ал-сина” (Олти тилли луғат) асари 53 саҳифадан иборат. Луғатда мингдан ортиқ фаол сўзлар жой олган. Ибратнинг бу асари ўз даврида катта аҳамият касб этган. Асар эски ўзбек ёзувида яратилган бўлиб, ўша давр кенг халқ оmmasига тушунарли тарзда ёзилган. Луғатда ўзбекча сўзларнинг қаршисида арабча, форсча, туркча, ҳиндча ва русча сўзларнинг таржималари берилган. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисм алифбо тартибда тузилган. Бу қисмда феълларнинг ноаниқ ва келаси замон шакллари аввал форсча, кейин арабча, туркча, ўзбекча, ҳиндча ва русча таржималари билан берилган. Асарнинг иккинчи қисми 37 бобдан иборат бўлиб, феълларнинг бошқа шакллари, отлар, кишилиқ олмошлари, кун, ой номлари, одам аъзолари, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва паррандалар, озиқ-овқат ва бошқа нарса-предметларнинг номларини ўз ичига олади. Бу қисмда аввал арабча, кейин унинг форсча, туркча, ҳиндча, сартча (ўзбекча) ва русча таржималари келтирилган.

Тадқиқотлардан, Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган маълумотларга кўра Ибрат Н. Остроумов номига иккита мактуб ёзган (Н.П. Остроумов ўша даврда чор Россиясининг Туркистондаги матбуот ноziри бўлган). Мактуб орқали Н. Остроумовдан “Луғати ситта ал-сина” асарини нашрдан чиқаришни илтимос қилган.

Ибратнинг хуснихатга, хат-савод чиқаришга бағишланган асари “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий”, деб номланган. Ушбу асар савод чиқаришда, хуснихат намуналарини ўргатишда дарслик сифатида қўлланилган.

Исҳоқхон Ибрат шеърларининг кичик бир қисмини тўплаб, ўз матбаасида нашрдан чиқарган. Бу тўпламнинг тўлиқ номи “Тўрақўрғон қозиси Исҳоқхон тўра Ибратнинг ўз асарларининг биринчи жузъи Илми Ибрат” бўлиб, 1327 йил хижрийда (1909 йил милодий) Охунзода Абдулрауф Шаҳидий муҳаррирлигида босмадан чиққан. Тўпламдаги шеърларнинг асосий мазмунини шоир яшаб ўтган тузумдаги адолатсизликни танқид остига олиш ва халқни илм-маърифатга чақириш гоյлари ташкил қилади.

Ибратнинг “Жомеъ ул-хутут” (Ёзувлар мажмуаси) асарида ёзувларнинг энг ибтидоси- пиктографик ёзувлардан то энг сўнгги даврнинг мукамал ёзувлари тараққиёт тарихи ёритилган. Асарда дунё халқларининг жами 41 хил ёзув тизими

ҳақида маълумот берилган. 1912 йилда “Матбааи Исҳоқия”да нашр қилинган Исҳоқхон Ибратнинг ушбу асари бугунги кунда Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи архивида сақланар экан.

Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи Фарғона” [10] асарида Қўқон хонлигининг XIX аср биринчи ярмидаги сиёсий ва маданий ҳаёти, Россия кўшинларининг ўлкага бостириб келиши тасвирланган. Асарда Наманган шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлар таърифи ва тарихига кенг ўрин ажратилган. Бобурнинг “Бобурнома” асари таъсири ва руҳи сезилиб турган ушбу асар Ватанимиз тарихини ўрганишда ҳам биринчи асосий манбаа бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли асар мустақилликдан сўнг чоп этила бошланди [5, 69 б]. 1994 йил Улуғбек Долимов томонидан нашрга тайёрланган “Исҳоқхон Ибрат” китобида эса шу китобдаги “Фарғона тарихи” асарида парча берилган [8, 110 б].

Ибратнинг “Тарихи маданият” [11] асари маданияти ривожланган шаҳарлар қиёфаси ва инсонларнинг маданий турмуш тарзи ҳақида бўлиб, асарда адиб Туркистон ўлкасидаги шаҳарларнинг маданиятли шаҳарлар қаторига киришида фарзандларимизни ўқиб, илм ўрганишлари муҳим эканлигини таъкидлаб ўтади. Адиб чет эл саёҳатидан олган таассуротлари асосида ўз юртида маданиятни тарғиб этади. Асарда ёшларни ўз вақтида илм ва ҳунар эгаллашлари лозимлиги уқтирилади.

Исҳоқхон Ибрат ҳужжатлари[12] папкасида Исҳоқхон Ибрат шеърлари сақланган. Бу манбаа 1963 йилда шоирнинг кенжа ўғли Ротибхон Исҳоқов томонидан Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондига топширилган.

Ибратнинг “Мезон уз-замон” асарида ўнга яқин янги шеърлари, ўз даврининг долзарб муаммоларига бағишланган публицистик мақолалари ўрин олган бўлиб, асар маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга. Асар тугалланмаган бўлса-да, ҳар бир мезон махсус мавзуларда баҳс юритилиши билан ажралиб туради. “Мезон уз-замон” муқаддима ва тўққиз мезондан иборат. Олтинчи мезонини ўқиб хайратланасан киши. Бу мезонда ортиқча сарф-ҳаражатларга ружуъ қўйишнинг салбий оқибатлари, тўй ва маросимларни халқимиз удумларига мос меъёр ва тартибли ўтказиш ҳамда миллий қадриятларимизга зид бўлган, маънавий баркамолликка тўсқинлик қилаётган иллатлар мисоллар асосида таҳлил этилган. Халқимиздаги тўй ва аза маросимлар ҳақидаги Ибратнинг фикрлари бугун замонамиздаги исрофгарчиликларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ибратнинг лирик мероси ҳамда ижодининг ўзига хос бадиий хусусиятлари, асарларининг мазмун-моҳияти ҳамда бу асарларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги аҳамияти тадқиқ қилинган. Исҳоқхон тўра Ибрат вафотидан сўнг унинг шеърлари нашрга тайёрланган ва чоп этилган [6].

Ушбу китобларда Исҳоқхон Ибратнинг лирик меросидан намуналар, яъни шоирнинг беш ғазали ва бир мураббаъси, “Бўлибдур”, “Қалайсизлар?”, “Ишқинг”, “Кўргони келдим соғиниб” каби шеърлари ва бир маснавийси берилган.

Наманган давлат университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамкорлигида 2017 йил 2-3 июнь кунлари Наманганда “Исҳоқхон тўра Ибрат маънавий меросининг ўзбек маданияти

ривожда тутган ўрни” мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилди. Тўпламда адабиётшунослик, тилшунослик, таржимачилик, таълим-тарбия ва методика йўналишидаги мақолалар жамланган.

Исҳоқхон Ибратнинг “Мезон уз-замон” маърифий асари япон ва ўзбек профессорлари Хисао Коматцу ва Бахтиёр Бобожоновлар томонидан ҳамкорликда Тошкент ва Токиода, лирик мероси эса 2000 йил Туркияда чоп этилди. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси (9-жилд. -Т.: 2002. 62-б) да Исҳоқхон Ибрат ҳаёти ва ижодий фаолияти, миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ривождаги ўрни баён қилинган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган маънавий қадриятлари умуминсоний қадриятларнинг бир қисми саналади. Ҳозирги кунда халқимиз тарихида ёшларни тарбиялаш ва уларни билим олиш, жамиятда ўз касбининг маҳоратли эгаси бўлиб, мамлакат ривож учун ҳисса қўша оладиган руҳда тарбиялаш қонуниятлари, қоидалари ва усулларни ўрганувчи педагогика фанининг равнақ топиши йўлида намунали хизмат қилган олимларимиз, жадид педагогларининг ҳаёти ва педагогик фаолиятларини ўрганиш муҳим вазифалардан бири саналади. Мана шу жиҳатдан олиб қаралганда, Исҳоқхон Ибрат ёшларни илм-маърифат эгаллаб, эзгу ном қолдиришга чорлаган авлодимизнинг буюк вакилидир.

Демак, Исҳоқхон Ибратдек фан фидойиси, методист, заҳматкаш педагог ҳақида унинг салоҳиятли меҳнатлари юзасидан маълумотларга кўпроқ эга бўлиш учун Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида барпо этилган Исҳоқхон Ибрат мажмуаси таркибидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Исҳоқхон Ибрат музейига ташриф буюрсалар, зиёли ватандошимизнинг руҳини шод қилган бўладилар.

Умуман олганда, Ибрат бобомизнинг асарларини нашрга тайёрлаб, китобхоналаримизга тақдим этиш бугунги адабиётшунослигимиз олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Маърифатпарвар, фидойи шоир Исҳоқхон Ибратнинг барчамизга ибрат бўла оладиган умр йўллари халқимиз маънавиятини юксалтириш ва бойитишда, шубҳасиз, хизмати каттадир.

References:

1. Mirziyoev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. //Go'zal va betakror o'lka. Namangan viloyati saylovchilar vakillari bilan uchrashuvdagi nutq. -Toshkent.: O'zbekiston. 2017.
2. Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q. “Milliy tiklanish” gazetasi. 1998 yil, 18 avgust.
3. Abdullaeva Manzura. Ishoqxon Ibrat – serqirra ijod sohibi. –Т.: 2017. 9-б
4. Istiqlol qahramonlari. Ibrat. Ajziy. So'fizoda. Tanlangan asarlar. -Т.: Ma'naviyat, 1999, 61-б.
5. Ishoqxon Junaydullaxo'ja o'g'li Ibrat. Farg'ona tarixi. // Meros. (Nashrga tayyorlovchilar: Haydarbek Bobobekov, Mahmud Hasaniy; tahrir hay'ati: Bo'riboy Ahmedov, Ibrohim Haqqulov va boshq.). -Т.: Kamalak. 1991.

6. Ishoqxon Ibrat. She'rlar.// Muhabbat vasfi. To'raqo'rg'on. 1993.
7. Ulug'bek Dolimov. Ishoqxon Ibrat. -T.: SHarq, 1994.
8. Ulug'bek Dolimov. Ishoqxon Ibrat. Istiqlol fidoyilari./ Tarixi Farg'ona. -T.: SHarq. 1994.
9. Matchonov S. Kitob o'qishni bilasizmi? -T.: "O'qituvchi". 1993.
10. Ishoqxon Ibrat. Tarixi Farg'ona. O'zFASHI Qo'lyozmalar fondi. 1916 y. Inv. № 11080.
11. Ishoqxon Ibrat. Tarixi madaniyat. O'zFASHI Qo'lyozmalar fondi. 1926 y . Inv. № 11616.
12. Ishoqxon Ibrat hujjatlari papkasi O'ZFASHI Qo'lyozmalar fondi. Inv. №: 11617.